

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
13 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 100 (13048)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

2003 йилдан буюн тадбиркорлик субъектларини "ягона дарча" тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга ошириб келинган.

2016 йил 1 январдан бошлаб Инспекциялар негизда Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда Ягона марказлар деб юритилади) ташкил этилди.

2017 йил 1 февралдан Ягона марказларнинг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кейинги қадам бўлиб, вертикал бошқаруви шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада Ягона марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги "Doing Business 2018" глобал рейтингидagi "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига айрим тизимли муаммолар тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ҳанузгача турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқда;

иккинчидан, қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг мавжуд эмаслиги, улар идораларо интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланиши таъминламаяпти;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, нархни шакллантириш механизмлари шаффоф эмас, алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларда "монопол" хизматлар кўрсатишга талаблар белгиланмоқда;

тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада эканлиги, қоғоз ҳужжатлар айланимасининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқаролар кўп вақт қу-

тиб қолиши ва навбатлар юзага келишига ҳамда оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш, шу жумладан, реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган омиллар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайд.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини туздан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини туздан ошириш орқали "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тадбиркорлик субъектлари-

га "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи **Давлат хизматлари марказларига** ўзгартириш;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича **"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади"** тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмининг, энг аввало, ортқича тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобида соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идораларо электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан, олис жойларга чиқиш орқали ("мобиль давлат хизматлари") кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзга келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графидан фойдаланиш;

Давоми 2-бетда.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, барча қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил этиштириб, халқимизнинг ризқ-рўзи ва фаровонлигини, юртимизнинг иқтисодий қудратини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, аграр секторда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, илгор агротехнологияларни амалиётга жорий этиш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳамюртларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Жумладан, улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Меҳнат шукрати" ордени билан

Белолитов Игорь Владимирович – Тошкент давлат аграр университетининг "Доривор ўсимликлар ва ботаника" кафедраси профессори
Мирсаатов Мирағам Мирпулатович – "Тошкентпаранда" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси
Озатов Эгамберди – Чиноз туманидаги "Қуюнбой ота" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Тажахметов Давлетали – Юқори Чирчиқ

туманидаги "Тоҳамедов" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Тошболтаев Махаммад Тоҳалиевич – Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари
Худайбердиева Айзада Мусаевна – Ўрта Чирчиқ туманидаги "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бригад бошлиғи

"Дўстлик" ордени билан

Атабаева Халима Назаровна – Тошкент давлат аграр университетининг "Соҳа ва бошқа мойли экинлар етиштириш агротехнологиялари" кафедраси профессори
Бабаева Ранохон Нematовна – Янгийўл туманидаги "Неъматжон олмалари" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Дорохова Елена Александровна – Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ил-

мий-тадқиқот институти катта илмий ходими
Рузматова Маъмура Ахматовна – Паркент туманидаги "Заркент Маъмура Рузматова" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Хожиева Сайёра Қўлибоевна – Пискент туманидаги "Хожиев До-вурбек" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Юлдашев Лутфулла Умриевич – Бўстонлик туманидаги "Бўстон Юлдашев Лутфулла" фермер ҳўжалиги бошлиғи

"Шукрат" медаллари билан

Рахматов Тухтабой Камалович – Тошкент туманидаги "Қамол Тўхтабой барака" фермер ҳўжалиги бошлиғи
Сапарматов Хуршид Муҳиддинович – Тошкент вилоти агросервис МТП" масъулияти чеклан-

ган жамиятининг Бўқа тумани филиали механизатори
Холбоев Шарафидин Закирович – "Тошкент вилоти агросервис МТП" масъулияти чекланган жамиятининг Окқўрғон тумани филиали механизатори

«МАЪРИФАТ» КЎЧАСИ НУРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бўстонлик туманидаги "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинида "Конституция – тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси" шиори остида ташкил этилган Сайёр қабулда ўртага ташланган мурожаатларнинг аксарияти ҳойда ҳал этилди.

Мулоқотдан сўнг...

Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан Бош Қомусимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган Сайёр қабулда Халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, туман ҳокимлиги масъуллари ҳамда партия фаоллари ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, коммунал хизмат, ички йўллари таъмирлаш, электр ва газ таъмино-

тига оид мурожаатларни ўрганди.

Маърифат кўчаси, 10-уйда яшовчи Мурод Ашурбоев мулоқот чоғида мутасаддиларга мазкур кўчада тунги ёриткичлар етишмаслиги, айрим жойлар қайта асфальтлаш ва таъмирга муҳтожлиги, бу муаммоларни қисқартириш бўйича қўйилган ҳужжатларни қўйиш, коммунал хизмат, ички йўллари таъмирлаш, электр ва газ таъмино-

Сайёр қабул давомида юқорида келтирилган ҳамда ичимлик суви, газ таъминоти билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳам тегишли ташкилот раҳбарлари ва мутасаддилар иштирокида ижобий ҳал этиладиган бўлди.

– Партияимиз вакиллари вилоятнинг қатор туманларида бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганимоқда, уларга жойда ечим топилишига қўмаклашмоқда, – дейди партия вилоти кенгаши етакчи мутахассиси Баҳодир Солиҳов. – Айниқса, Ангрн ва Бекобод шаҳарлари, Бўстонлик ва бошқа туманлардаги маҳалла-ларда ўтказилган Сайёр

қабулларда фуқаролардан тадбиркорлик, бандлик, шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари бўйича тушган юзга яқин мурожаат депутатлар, мутахассислар иштирокида қўриб чиқилди. Тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Тадбирда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Давоми 3-бетда.

«БЕШИНЧИ ФАСЛ» МЎҶИЗАЛАРИ

– Лимондан катта даромад олиш мумкин экан, – дейди пискентлик Тўлабберган Тожибоев. – Тез ҳосил берадиган бу мева қишин-ёзин дастурхонимиз кўрки бўлади. "Лимон экинг, миллион топасиз, ҳазинангиз бойиб бораверади", десам ишонаверинг, бу айти ҳақиқатдир.

Томорқа – хазина

Омилкорлик билан иш юритган, оиласининг фаровонлигини ўйлаб, меҳнат қилган инсон сира кам бўлмайди. Хонадонларда иссиқхоналар барпо этиб, лимон, бодринг, помидор ҳамда тўксонбости экинлари етиштириш, бир йилда икки-уч марта ҳосил олишга интилиш кучаймоқда. Биз бунга, Пискент тумани маҳаллаларида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик.

– Тўлабберган ака сингари тадбиркорлар кўпайса, қандай яхши, – дейди мазкур тумандаги "Новкент" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумабой Шеранов. – Оиласига даромад келтириш билан бирга маҳалламизга ҳам қўлидан келганча ёрдам бериб туради. Тўю маъракаларимиз, байрам дастурхонлари бу ажойиб инсон етиштирган лимонлар билан янада



тўқиндир. Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат қўмак берадилар. Олижаноб инсон сифатида мурувватини сира аяган эмас.

Дарвоқе, Тўлабберган ака бундан уч-тўрт йил муқаддас томорқасида лимонзор барпо этишга киришди. Иссиқхона учун сарф бўладиган зарур материалларни тўплади. Оиласи-

нинг иқтисодий фаровонлигини ўйлаган бу инсон беш сотих жойда иссиқхона қурди. "Тошкент" навли тўксарик, турли касалликларга даво, пўсти билан истеъмол қилса бўладиган харидоригир лимон кўчатларини экти.

Ўтган йили Тўлабберган ака маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси билан тижорат банкидан

5 миллион сўм кредит олиб, иссиқхонасини кенгайтирди.

Албатта, лимондан юқори ҳосил олиш учун яхши парварлаш керак. Айниқса, бунда кўчат оралиқларига маҳаллий ўғит солинган шарбат оқизиш яхши самара беради. Шундай қилин-ди ҳам. Тадбиркорлик билан иш олиб борилгани, кўчатлар меҳр билан парварши қилингани на-

тижасида ҳосил чакки бўлмади. Юқори самарадорликка эришилди. Мавжуд 96 тул лимон дарахтидан 10 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Оила бюджетига келиб тушган соф даромад эса 70 миллион сўмдан ошди.

Тўлабберган Тожибоев ишнинг кўзини биладиган инсон. У лимонзорлардан бундан-да юқори ҳосил олишни кўзлаб турибди.

– Кредит олиб, иш қўришнинг фойдаси катта экан, – дейди Тўлабберган ака. – Оиламни, рўзгоримни тиклаб олдим. Ўғлим Асилбекни ўқитдим, замонавий русумдаги машина олдим. Уйимни замонавий услубда таъмирдан чиқардим. Буларнинг барчаси иссиқхонадан олинган даромад туфайлидир.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Хонадон соҳиб банктдан яна 10 миллион сўм кредит олишни режалаштирган. У лимоннинг янги турларини кўпайтирмоқчи. Агар бу режалар амалга ошса, келгусида иссиқхонадан олинган йиллик ҳосилдорлик 20 тоннадан ошиб кетади.

Айни дамда новкентликлар Тўлабберган акага ҳавас қилиб, лимонария барпо этишга киришган. Шу маҳаллада ушайтган Абдурашид Чориев, Умид Соилов, Облоқул Тўрақуловлар ҳам ўз томорқаларида иссиқхона қуришни бошлаб юборди.

Ашурали БОЙМУРDOV,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Изоҳор

Ҳар бир инсон эртаси бугундан кўра тинч ва фаровон бўлишни ўйлаб, орзулаб яшайди, меҳнат қилади. Минг шукрки, кечаги кунимиз билан бугунимизнинг фарқи ана шундай. Буни, энг аввало, халқимиз ризқу рўзининг бунёдкорлари бўлган биз, оддий деҳқонлар ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

ДЕҲҚОННИНГ ТОПГАНИ ЭЛНИНГ ДАСТУРХОНИДА

Кейинги пайтлар муҳтарам Президентимиз раҳнамоликлариде қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Соҳада тўпланиб қолган муаммо ва масалаларга миришкор деҳқон, оддий қишлоқ меҳнаткаши кўзи билан қаралиб, уларнинг ечимини бўйича аниқ дастур ва режалар асосида тизимли иш олиб борилаётти. Бунда, биринчи навбатда, қишлоқ мулкдорлари – оддий томорқачидан тортиб, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари эгалари учун барча йўллар кенг очилаётти, деҳқоннинг бири икки бўлаётти, халқ тили билан айтганда, қосаи оқаряпти.

Айни пайтда қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот етиштиришда шундай мукамал тизим шаклланди, деҳқоннинг ўз меҳнати самарасига, кўрадиган манфаатига ишончи орди. Муҳбирлар ёзганидек, бир оз баландларвоз кўринсада, "меҳнат", "рабағат", "даромад" деган тушунчалар кетма-кет келадиган бўлди. Бугунги деҳқон кечаги қолхозчи эмас. Унинг меҳнатга муносабати туздан ўзгарди, эгаллик ҳисси уйғонди. Уруғлик дейимизни, ёқилғимойлаш ашёлари, ўғит таъминоти оиламизни, умуман, жараёнда аввалги оворагарчиликлар, сансалорликлар, кўзбўямачиликлар тамоман барҳам толиб бораётти. Бу ислохотлар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида мутлақо янги саҳифа очиб берди, десак асло янглишмаймиз.

Ҳазрат Навоий бобомиз деҳқонларни: "Ризқ йўлини очувчилар", деб улуғлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, ердан қор кетгандан, қор тушгунча тиним билмайдиган бу касб эгаларининг сермашаққат меҳнатлари туфайли бугун дастурхонларимиз тўкин, бозорларимизда маъмуричилик, Ахир, деҳқоннинг топгани элнинг дастурхонини безайди-да!

Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИАҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ОЛТИНЧИДАН, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан, тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;

ОТТИНЧИДАН, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш.

2. Куйидагилар негизда **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги** (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин:

38 та штат бирлиги сонига эга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари.

Куйидаги маблаглар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабалари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг 24 та штат бирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналарининг 157 та мутахассис лавозими штат бирлиги Агентликка ўтказилсин.

3. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш;

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат хизматлари кўрсатишда инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

4. 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари хузурида фаолият юритувчи **Давлат хизматлари марказлари**га айлантирилсин, куйидагилар уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

◀ Бошланғич 1-бетга.

жисмоний ва юридик шахсларга "ягона дарча" тамойили бўйича, шу жумладан, олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

идораларо ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабалари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан;

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилади.

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш схемаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Агентлик фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2750-сон қарори билан ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабалари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида умумий штат сони доирасида 4 та штат бирлиги билан Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура) ва курилиш қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларининг уларда Давлат хизматлари марказларини joyлаштиришни ҳам назарда тутган ҳолда намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари замонавий биноларини тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, энг

аввало, давлат-хусусий шериклик шартларида қуриш чораларини кўрсин;

янги бинолар фойдаланишга топширилгунга қадар Давлат хизматлари марказларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларида, зарур ҳолларда эса – жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини сифатли кўрсатиш учун зарур шaroитларни яратган ҳолда бошқа биноларда joyлаштиришни таъминласин.

9. Куйидагилар:

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, "ягона дарча" тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар ва Рўйхатнинг амалга оширилиб бoрилишини ҳар ойда кўриб чиқсин.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2412-сон ва 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2750-сон қарорларига мувофиқ Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Рўйхатда кўрсатилган масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар белгиланган мuddатларда:

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва бошқа актларнинг намунавий шакллари, бланкларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат хизматларининг тегишли турларини кўрсатиш бўйича, шу жумладан, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идораларо электрон ҳамкорлик орқали олинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб этиш бeкoр қилинишни назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар мuddатда Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиришни таъминласин.

Белгилансинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар уларнинг Давлат хизматлари ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, 2018 йил 1 июндан бошлаб эса мазкур реестрга киритилмайдиган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайдиган.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлигига халқаро ва хорижий ташкилотлар билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун техник қўмаклашиш маблаглари ва грантларни жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, мазкур

Фармонда назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширишда қўмаклашин.

13. Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, "Ўзинжиниринг" Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар мuddатда Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун зарур ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш ва аппарат-дастурий комплексларни ўрнатишнинг концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириғи тайёрланишини ҳамда тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор 2019 йил 1 январга қадар мuddатда:

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, аппарат-дастурий комплекслар ўрнатилишини таъминласин;

Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, серверлари ва бошқа ускуналарини инвентаризациядан ўтказиб, кейинчалик уларни Агентликнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинсин ва идораларо электрон ҳамкорликни жорий этсин;

Агентлик билан биргаликда унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказларини зарур видео, аудио ва бошқа ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин ҳамда реал вақт режимида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини масофадан кузатишни ташкил қилсин.

14. Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўрган ҳолда тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида шарҳ

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчиллик билан такомиллаштириш аҳоли ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат органларининг мазкур соҳадаги фаолияти сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатишда мақбул шарт-шaroитлар ва қулайликлар яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2017 йил 1 февралдан Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича муҳим қадам бўлиб, вертикал бошқарушни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натияжада ушбу марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги "Doing Business 2018" глобал рейтингидagi "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, халқ билан очик мулоқот натижалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишда айрим тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Авваламбор, "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимидан фақат тадбиркорлик субъектла-

ри фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ханузгача турли давлат органлари ва ташкилотларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, улар идораларо интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги вазиятни мураккаблаштириб, барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминлаш имконини бермапти.

Бундан ташқари, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари фуқаролар учун мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, уларнинг нархини шакллантириш механизмлари эса шаффоф эмас. Натияжада алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларнинг юзага келишига олиб қолган.

Айрим ҳолларда фуқаролар давлат органларига мурожаат қилишда асослан-тирилмаган молиявий харажатларга дуч келмоқдалар, энг аввало, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишнинг паст даражадалиги, қороз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари навбатлар юзага келишига олиб келмоқда.

Давлат хизматлари кўрсатишни, шу жумладан, реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмаслиги ушбу хизматлар соҳасида қонунийлигини таъминлашнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайди.

Айнан шу муносабат билан Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган "Аҳоли-

га давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон давлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имконини тубдан ошириш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган улугвор ғояни сўзсиз амалга оширувчи асосий ғояларни белгилаб берди.

Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъулият юкланган алоҳида давлат органи – **Давлат хизматлари агентлиги** ҳудудий бўлимлари билан ташкил этилди. Бу амалга ошириладиган ислохотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарушни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда.

Эндиликда "ягона дарча" тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қилади. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфисиз тезкорлик билан кўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг қундалик ҳаётини жиддий равишда енгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.

Давлат хизматлари кўрсатишда яқинда ташкил этилган ўзига хос институт – **Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг** фаол иштироки ўхшаш бўлмаган энг муҳим янгилликлардан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг аҳоли билан самарали мулоқотини ташкил этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини йўлга қўйишда муҳим роль ўйнаган мазкур институтлар фаолиятининг ижобий яқини ҳисобга

олган ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш соҳаси уларнинг бевосита мувофиқлаштирувида бўлиши назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида Халқ қабулхоналари ва Давлат хизматлари марказлари туман (шаҳар) микёсида ягона яхлит фаолият олиб бoриб, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали тизимини шакллантириш имконини беради.

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини самарали ташкил этишдан ташқари, ахборот алмашинуви бўйича идораларо, энг аввало, электрон ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мазкур соҳада муваффақиятга эришиш учун хал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан Фармонда **Давлат хизматлари ягона реестрини** ташкил этиш, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича ягона маъмурий регламентлар ишлаб чиқиш, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларида ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари ҳамда дастурий маҳсулотларни, шунингдек, аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бу давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида **"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар харақатланади"** деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради.

Интернет ва мобиль технологияларнинг фаол жорий этилиши хизматдан фойдаланувчилар давлат органларига зарур ҳолларда бoришлари, одатий ҳолларда эса хизматлар масофадан электрон тартибда кўрсатилиши билан боғлиқ ғояларнинг истиқболда амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, Фармон билан Давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат хизматларининг сонини, айниса, фуқаролар учун бoсқичма-бoсқич жиддий равишда оширишни ҳисобга олган ҳолда хизматдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган бино ва иншоотларни тўлиқ янгилашга зарурат мавжуд.

Шу муносабат билан масъул идоралар-

га Давлат хизматлари марказларининг янги қиёфасини ишлаб чиқиш топширилган, маҳаллий ҳокимият органлари эса Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда биноларни бoсқичма-бoсқич янгиллаш таъминлайди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан соғлиқни сақлаш, лицензиялаш, солиқ, божхона ва бошқа соҳаларда жадал сифат жиҳатидан яхшилашнинг муҳим механизмлари, шунингдек, давлат хизматлари бўйича мобиль иловаларни ишлаб чиқиш, хизматларни олис жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш, аҳоли билан тезкор алоқалар, расмий веб-сайтлардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида қайта алоқанинг самарали тизимини ташкил этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Шунингдек, 2018-2020 йилларда жорий этилишига қараб Давлат хизматлари марказларида "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди.

Уларнинг қаторида уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаиш, яқна тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга руҳсатнома, турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш, турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар мавжуд.

Фармон билан давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги ташкилий асослари жорий этилмоқда, давлат ва аҳоли ўзаро ҳамкорлигининг замонавий концепциясига пойдевор қўйилмоқда.

Аҳоли билан ўзаро боғлайдиган ягона

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 22, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Номзоднинг Ф.И.Ш	Туғилган йили	Партиявийлиги	Эгаллаб турган лавозими	Яшаш манзили	Номзод этиб кўрсатган ташкилот
20-"Искандар" сайлов округи					
Умаров Ахмаджон Абдулаахатович	1974 йил, Тошкент шаҳри	ЎзМТДП аъзоси	Бўстонлиқ тумани "Nanay's Paradise" масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
Шарахмедов Джамалиддин Фахриддинович	1979 йил, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	ЎзЛиДеП аъзоси	Бўстонлиқ тумани "Active-Action" хусусий корхонаси раҳбари	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Эрматов Улуғбек Хожимуродович	1978 йил, Тошкент вилояти	Ўз "Адолат" СДП аъзоси	Бўстонлиқ тумани "Agrover Plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Юлдашев Нурали Раҳманович	1972 йил, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани	ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари "Товоқсой" санаторийси бош шифокори	Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
31-"Янгиобод" сайлов округи					
Абдуазимов Зои Мирзакаримович	1963 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Қибрай тумани "Қибрай авто маркази" масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Исламов Соҳиб Яхшибекович	1980 йил, Жиззах вилояти, Фориш тумани	Ўз "Адолат" СДП аъзоси	Тошкент давлат аграр университетининг ўқув ишлари бўйича проректори	Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Махмадалиев Бахтиёр Ҳасанович	1964 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Собиров Шавкат Матрасулович	1972 йил, Хоразм вилояти, Бағот тумани	ЎзМТДП аъзоси	Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши
34-"Ўзбекистон" сайлов округи					
Валиев Артур Хамидович	1987 йил, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Қуйи Чирчиқ тумани 81-сонли "Дустобод" автокорхонаси раиси	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри	ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши
Ибрагимов Ғулломжон Иномович	1958 йил, Тошкент вилояти, Пискент тумани	ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани	ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши
Попов Александр Николаевич	1981 йил, Тошкент шаҳри	Ўз "Адолат" СДП аъзоси	Тошкент шаҳар "Улкан қурилиш махсус сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	Ўз"Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши
Султанбеков Отабек Сабинович	1986 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	ЎзМТДП аъзоси	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қуйи Чирчиқ тумани кенгаши раиси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Нурафшон шаҳри, 2017 йил 9 декабрь

Ғ. МУҲАМЕДОВ

ДЕҲҚОННИНГ ТОПГАНИ
ЭЛНИНГ ДАСТУРХОНИДА

Деҳқонларимиз том маънода меҳнатларининг роҳатини кўрадиған кун келди. Мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан мана, Қишлоқ хўжалиги ходимлари куні бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Шу сана муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда Президентимиз чиқишларини жуда катта қониқиш ва ҳаяжон билан тингладик. Соҳадаги ютуқларимизни ҳам, олдимизда турган жиддий масалаларни ҳам қизил илга тизгандек, аниқ-равшан таҳлил қилиб бердилар.

Тўғри, авваллари ҳам жойларда ҳосил байрамлари ўтказиб туриларди. Аммо унда, очигини айтганда, асосан, пахта режаларини дундирганлар байрам қилишарди. Бу байрам бировага татирди, бировага татимасди, Бу сафар эса бутун халқимиз байрам қилди, десак муболаға бўлмас. Негаки, халқимиз деҳқон тимсолида аввало, ҳалоллик ва покликни, мардлик ва матонатни кўради. Одамлар ўқитувчини, шифокорни, борингки, бир зиёлини ардоқлагандек ҳурмат кўрсатади асл деҳқонга.

Хусусан, бу байрам вилоятимизда ҳам ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланди. Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куні муносабати билан соҳа ривожига муносиб хисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, худди шу

тизимда меҳнат қилаётган фидойи вилоятдошларимизнинг бир қанчаси орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида борлигидан чексиз фахрландим.

Бутун вилоятимиз деҳқону соҳибкорлари, миришқору чорвадорлари қишлоқ хўжалиги равнақи учун, халқимизнинг фаровон ҳаётини кўлаб, туну кун тинмай изланаётган, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, улуғвор мақсадлар сари руҳлантириб келаётган мухтарам Президентимиздан беҳад миннатдорлар. Ўйлаймизки, бундай эътибор ва рағбатдан бошлари осмонга етган, кўнгиллари кўтарилган босибор деҳқонларимиз келаси мавсум учун бугундан пухта замин яратишга киришадилар. Худо хоҳласа, ҳосилларимиз мўл, ризқимиз бутун, эл-юртимиз олдида юзимиз ҳамиша ёруғ бўлади!

Халқимизда дуо олганларнинг дуоси вожиб, деган гап бор. Бу гапни беҳиз эсладик. Одамлар деҳқонларимиз етиштирган неъматлардан баҳраманд бўлганда, албатта, "Экканга раҳмат!" деб алқаб қўйишади. Халқнинг дуосини олишда ҳикмат кўп. Бугунги фаровон, саодатли кунларимиз, дала-ларимизда етиштирилаётган мўл-кўл ҳосилларимиз ана шу дуоларнинг ижобати бўлса, ажабмас.

Давлатли Тожиқхонлар, Юқори Чирчиқ туманидаги Тожиқхонлар фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шухрати" ордени нишондори.

Эхтиром

Бугун Ўзбекистонимизда барча соҳаларда жадал ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар даври кечмоқда. Хусусан, яқунлиб бораётган жорий йилда мамлакатимиз фермерлари,

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари озик-овқат мустақиллигини, дастурхонимиз тўқинлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

ТИРИКЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куніни белгилаш тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимиз меҳнаткашларининг кайфиятини кўтариб, гайрат-шижоатини янада жўшурдириб юборди. Пискир шаҳридаги "Нурнигор" тантаналар мажмуасида бўлиб ўтган байрам тадбирида айна мана шулар ҳақида сўз юритилди.

Давра тобора қизийди. Эл ардоғидаги санъаткорлар, устоз ҳофизлар қўй-қўйиқлар, ўнларча билан байрамга фойз киритдилар. Уста боғбонлар, уйдабурон фермерлар, танти деҳқонлар – жондўст оғаларимиз дўпписига шапатлаб-шапатлаб димоғи чоғ, мамнун ва масрур бир ҳолатда рақс тушади. Ўз навбатида, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ғ. Ибрагимов бошчилигида фаоллар ҳам миришқорларнинг соз кайфиятига янада кайфият улашиб, қувончига шерик бўлишади. Чунончи, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ғ. Ибрагимов ўз сўзида бугун мамлакатимизда тадбиркорлар ва фермерларга яратилаётган кенг шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида сўзлар экан, она Ватанимизнинг бебаҳо бойлиги, миллий ифтихоримиз бўлмиш унвудор заминнинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш долзарб вазифа, керак бўлса, соҳа ходимларининг муқаддас бурчи



Реклама ва эълонлар

эканлигини алоҳида таъкидлади. – Яқинда таъсис конференцияси ўтказилган "Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши" бу йўлда уларга энг катта қўмакчи, маслаҳатчи, масъул тузилмага айланиши керак, – деди Ғ. Ибрагимов ўз нутқида.

Шу куні вилоятимизнинг барча туман ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарларига янги хизмат машинаси топширилди. Тантанали кеча давомида меҳнаткашлар жорий йил якуналари манзарасини яна бир марта ёдга олиб, ўз навбатида, баъзи ҳолатлардан сабоқ чиқариб, келаси йил учун барака уруғини айнан ҳозирнинг ўзида, аввало ўз қалблариди ўстириш, бу уруғни илм ва таҳриба билан парваришлаш замон талаби эканини қайта ва қайта таъкидлашди.

Беход ҚОБУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Реклама ва эълонлар

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2017 йил январь-декабрь ойлари учун қуйидаги:

- 1-MDS shakli чораклик давлат статистика хисоботи хисобот давридан кейинги ойнинг 1-санасидан кечиктирмай;
- 1-K shakli ойлик ва 2-invest qurilish shakli чораклик давлат статистика хисоботлари хисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай;
- 1-qurilish shakli, 1-BX shakli va 1-transport shakli чораклик давлат статистика хисоботлари хисобот давридан кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмай;
- 1-mehnat shakli чораклик давлат статистика хисоботи хисобот давридан кейинги ойнинг 4-санасидан кечиктирмай;
- 1-qurilish shakli, 1-BX shakli va 1-transport shakli чораклик давлат статистика хисоботлари хисобот давридан кейинги ойнинг 4-санасидан кечиктирмай;
- 1-qurilish shakli, 1-BX shakli va 1-transport shakli чораклик давлат статистика хисоботлари хисобот давридан кейинги ойнинг 4-санасидан кечиктирмай;

эканлигини алоҳида таъкидлади. – Яқинда таъсис конференцияси ўтказилган "Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши" бу йўлда уларга энг катта қўмакчи, маслаҳатчи, масъул тузилмага айланиши керак, – деди Ғ. Ибрагимов ўз нутқида.

Шу куні вилоятимизнинг барча туман ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарларига янги хизмат машинаси топширилди. Тантанали кеча давомида меҳнаткашлар жорий йил якуналари манзарасини яна бир марта ёдга олиб, ўз навбатида, баъзи ҳолатлардан сабоқ чиқариб, келаси йил учун барака уруғини айнан ҳозирнинг ўзида, аввало ўз қалблариди ўстириш, бу уруғни илм ва таҳриба билан парваришлаш замон талаби эканини қайта ва қайта таъкидлашди.

ни бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2017 йил январь-декабрь ойлари учун юқоридаги давлат статистика хисоботини тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг www.toshvilstat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

Харакат хавфсизлиги

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликларнинг олдини олиш, пиёдаларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, қоидабузар пиёдаларга нисбатан ўз вақтида қонуний чора кўриш ҳамда бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириш мақсадида "Диққат, пиёда!" кунлик рейди ўтказилди.

ДИҚҚАТ, ПИЁДА!

Тадбир давомида вилоят худудидаги серкатнов йўл ва чорраҳаларда пиёдалар амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига, йўл белгилари ҳамда ҳаракатни тартибга солувчи сигналларга бўйсунган ҳолда йўлларни кесиб ўтиши юзасидан назорат ва тарғибот ишлари қучайтирилди.



Маълумотларга кўра, "Диққат, пиёда!" бир кунлик рейди мобайнида жами 158 та қоидабузарлик аниқланган. Қоидабузарларга, хусусан, светофор ва чорраҳалардан ўтиш тартибини бузган, кулоқчинлардан фойдаланган, йўлнинг қатнов қисмини ажратувчи химоя тўсиқлари (бордюрлар)дан сакраб ўтган пиёдаларга маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг 11 ойи давомида вилоят ИИБ ЙХХБ томонидан пиёдалар содир этган жами 8 минг 896 та қоидабузарлик аниқланиб, қонуний тартибда чора кўрилган. Пиёдалар айби билан содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида уларнинг яшаш ва иш жойлари, маҳалла ва корхоналарга тақдимномалар киритилиб, йиғилишларда муҳокама этилди.

Отажон НУРИНБОЕВ, вилоят ИИБ ЙХХБ матбуот гуруҳи катта инспектори.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида "Ягона дарча" марказлари ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛАР
УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Тадбиркорларга ҳар жиҳатдан қулайлик ярашган ушбу марказларга Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида реклама йўналиши бўйича ҳам давлат хизматлари кўрсатиш юклатилган.

Маълумки, реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки jismoniy шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар ва хизмат кўрсатиш белгиси, ҳар қандай шакл ва воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот ҳисобланади.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай йўналишлари, жумладан, қурилиш соҳаси, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш, тўғарақлар ташкил этиш, ташриф қозғола-ри ва тақлифномалар тайёрлаш, сартарошлик хизматлари ва бошқа йўналишлар бўйича реклама қилиш имконияти мавжуд. Тадбиркорларимиз булардан самарали фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириши, ри-

вожлантириши мумкин. Шундай ҳам бўлмоқда. Бу жараёнда ташқи реклама алоҳида ўрин тутаси. Хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган, йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда кўча ёриткичларининг таянчларида, кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштирилади.

Шу ўринда айтиш жоиз, ташқи рекламани маданий мерос объектлари, йўл белгилари ва светофорларда, уларнинг тиргаклари ёки ҳаракатини тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек, дов-дарахтларни пайхон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.

М. ТУРДИБОВ, Оқўйғон тумани тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маркази директори.

Бекобод шаҳар Мактаб-гача таълим бўлими махсус мебель, компьютер ва оргтехника жиҳозларини сотиб олади.

Мурожаат учун манзил: Бекобод шаҳри, 14-даҳа, "Ёшлик" маҳалласи. Телефонлар: (+99890) 912-41-90, (+99890) 950-19-08.

Чазов узоқ йиллар мобайнида собиқ шўро замонининг кеска доҳийларини даволаб келган шифокорлардан бири. Кўпчилик уни айтиш шўро мақомда танийди. Аммо, кўрсатувдан маълум бўлдики, Евгений Александровичнинг бошқа хизматлари ҳам бор экан...

Ёш Евгений врачлик касбини ихтиёр қилганида онаси – истеъдодли врач ва оқила аёл ўлининг кўнглига қўл солади.

– Ўғлим, – дейди она унинг ёшлик шижоатига тўла кўзларига тикилиб, – мана, сен ҳам врач бўлдинг, беморларни даволайсан, уларнинг тақдирини кўп ҳолларда сенинг маҳоратинг ва виждонингга боғлиқ бўлади. Энгна оқ халат кийган кишилар учун атиги битта хастани оёққа туртишнинг ўзи ҳам катта бахт. Айтичи, оғир хасталикка чалинган, касаллик азоби силласини қуритган ва эҳтимолки, оддийгина дармондори сотиб олишга ҳам чоғи келмаётган бемордан... пул сўраш мумкинми?

Кўрсатувда бу саволга Евгений қандай жавоб бергани айтимла-

ди. Аммо онанинг: "Агар менинг ўғлим бўлсанг, мени ҳурмат қилсанг, касал одамдан пул олмайсан. Онахон, ҳеч қачон тамағирлик қилмайман, деб ваъда бер", деган сўзлари такрор-такрор айтилди.

БЕМОРАН ПУЛ СЎРАШ МУМКИНМИ?

Телевидениеда йигирманчи асрнинг буюк ҳақимларидан бири Евгений Александрович Чазовга бағишланган кўрсатув бўлаётган экан, эътибор билан кўрдим.

□ Уққанга балли!

Евгений Александрович врачлик фаолияти давомида кеска даҳолардан ташқари яна... эллики минг кишини даволади. Бу айтишга осон. Гоҳ саккиз-ўн соатлаб давом этадиган жарроҳлик операциялари, ҳаёт-мамат кураши ҳар қандай метин иродали врач учун ҳам осон кечмайди. Ўзим сўхбатлашган шундай жарроҳлардан бири: "Мен учун энг қувончлиси жарроҳлик хонасидан чиқиш ва... беморнинг биз то-

монга жавдираб қараб турган яқинлари: турмуш ўртоғи, отаси ва фарзандига ҳаммаси жойида эканлигини айтиш, энг оғир эса қўлимиздан ҳеч нарса келмаганлигини тан олиш", деган эди.

Евгений Александровичнинг

йўқ", деди шифокор.

Телекўрсатув муаллифи Чазов собиқ иттифоқнинг тиббиёт вазирлигида раҳбар бўлиб турган кезлари соҳада тамағирликка қарши кескин кураш боранлигини ҳам айтиб ўтди.

Менга таъсир қилган яна бир нарса – йиллар ўтиб, машҳур врачнинг онаси ҳам оғир хасталик сабабли тўшаққа михланиб қолади. Ўғли Кремлнинг ўжар болалардай бўлиб қолган хаста дохийлари ёнидан бир зум бўлсин, узоқлашолмайди, ахволи тобора оғирлашаётган онасидан вақтида хабар ҳам ололмади. Чунки, дохийларни ҳар кун, ҳар дақиқада назорат қилиш, янги муолажалар белгилаш керак бўлади.

– Онаминг вафотида етиб келолмадим, – дейди Евгений Александрович чўқур ҳўрсиниқ билан. – Ўша кун ахволи оғирлигини ҳамкасбларим менга маъ-

лум қилишганди. Аммо, Брежневдан рухсат ололмадим. Кўн бўйи унинг ёнида бўлдим. Келганимда эса, онаминг юраги уришдан аллақачон тўхтаган, ҳамкасбларим ўлкасига суний нафас юбориш ускунасини унинг оғзидан олишга журъат этмай туришган экан. "Онам оламдан ўтиб бўлибди-ку", дедим-да, ўз қўлим билан киспородни тўхтатдим...

Кўрсатув вужудимни ларзага солди. Тун яримлаб қолган пайтда уни кўпчилик кўрдимикин, деган савол гирдобиди қолдим.

Тиббиётчиларга меҳрим баланд. Бу касб эгаларига алоҳида ҳурмат билан қарайман. Улар тўғрисида ёзганман, насиб қилса, бундан кейин ҳам ёзаман. Аммо... шу кўрсатувни энгиларига оқ либос кийётган ёш тиббиётчилар, врачлик фаолиятларини энди-энди бошлаётган навқирон шифокорлар кўришлари жуда зарур эди-да.

Онасига ваъда бермасалар ҳам, бир кўриб қўйсалар ёмон бўлмасди...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ.

НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ

Қибрайда "Ёшлар гунчалари" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бадий гимнастика бўйича ўтказилган ушбу бешлашувда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

□ Бадий гимнастика



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Гимнастика федерацияси бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг бадий гимнастика турини омаллаштириш орқали истеъдод соҳибларини кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада ёш гимнастикачилар ўз маҳоратини намойиш этди.

Мусобақа очилишида мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда бадий гимнастика қизларнинг жисмонан соғлом, маънан етук, нозик дидли, ўз олдига қўйган мақсадлари сари интилувчан қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки миллат генофондининг саломатлиги, аввало, бўлажак оналар – қизларга боғлиқдир.

"Ёшлар гунчалари" республика турининг вилоят босқичида шаҳар ва туманлардан жами 55 нафар 2002-2006 йиллар-

да туғилган қизлар ўзаро бешлашди. Қизгин ўтган мусобақа якунига кўра, ўз тенгқурлари ўртасида юқори натижа қайд этган Холида Тўлқинова, Рухшона Мусаева, Севара Тоштемирова, Юлдуз Сайдуллоева, Нигина Нурматова, Сарвиноз Абдурахимова, Муслима Расултоева, Шаҳзода Муҳиддинова каби истеъдод эгалари голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

– Олти йилдан бери бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланман, – дейди бекободлик Севара Тоштемирова. – Мухими, спорт орқали ҳаётда ўз ўрнини топишни ўргандим. Танловда истеъдод ва маҳоратини намойиш эта олганимдан хурсандман. Бу галаба ўз олдими қандай катта марраларни кўйиб, уларни забт этишга илҳомлантиради.

Танловда Бекобод, Олмалик, Чирчик ва Янгиуул шаҳарлари ҳамда ўрта Чирчикдан келган гимнастикачи қизларнинг фаоллиги қузатилди.

Энди голиблар мусобақанинг мамлакат босқичида вилоятимиз шафрини ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҚАҲВА ИЧИШНИ БИЛАМИЗМИ?

Бирок, олимлар қаҳва ичишининг ҳам қоида-борлигини ва унга амал қилинмас, саломатликка пўнур етиши мумкинлиги ҳақида маълумот беришди. Ўтказилган тадқиқотлар оч қоринга қаҳва ичиш асабийликни ошириши ва диққатни жамлаш қобилиятини пасайтиришини кўрсатди. Шунинг учун ҳам қаҳвани нонушта вақтида ёки ундан кейин истеъмо қилиш тавсия этилади.

Оч қоринга ичилган қаҳва, энг аввал, ошқозон-ичак тракти учун хавфлидир. У меъда шираси ажралишини кучайтиради ва бу ишқор ошқозон деворини емириб, жигилдон қайнашини вужудга келтиради.

Эрталаб организм уйқудан сўнг босқичма-босқич тикланади. Қаҳва эса тетиклаштирувчи гармон даражасини пасайтиради ва қаҳвага ўрганиб қолган одамларда уйқу ва ҳолсизликка мойиллик ошади. Шунингдек, тонгда ичилган бир финжон қаҳва асаб тизими ва юрак фаолиятига ҳам таъсир қилади.

Бир сўз билан айтганда, қаҳванинг инсон организмига фойда келтириши учун уни истеъмо қилиш тартиби ва миқдорини билиб олиш мумкин.

З. АҲМАДОВ тайёрлади.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 13 декабрь кун Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарҳдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

□ Саломат бўлинг

Тонгги қайноққина қаҳва билан қарши олиш кўпчиликнинг одатига айланган. Улар бу ичимлик эрталабдан одамга тетиклик баҳш этишига ишоняшди.



ОРЗУДАГИ САМОЛЕТЛАР

Технологиялар жадал ривожланаётган жараёнда тадқиқотчилар янгида-янги ишланмалар билан одамларни хайратга солимоқда.

Европанинг энг йирик компаниялари – "Airbus", "Rolls-Royce" ва "Siemens" гибрид электрли самолётларини ишлаб чиқариш учун амалий ҳаракатларни бошлашганини эълон қилди.

Бу компаниялар 2020 йилда "E-Fan X" номиги гибрид самолётнинг синов парвозини ўтказди. Лойиҳага кўра, бу турдаги самолётларни электр мотор ҳавога қўтарилади. Моторни ҳаракатга келтирадиган қудратли генераторлар "Rolls Royce" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилади.

Синовлар муваффақиятга йўналган тақдирда, гибрид самолётлар 2030 йилдан йўловчи ташини бошлайди. Дастлаб, парвозлар қисқа йўналишларда амалга оширилади. Агар янги самолётлар ишончли оқласа, улар узоқ масофаларга учиш учун мослаштирилади.

«ЭНДИ ОЙГА УЧАМИЗ!»

Астронавтлар ана шундай шпор остида Ернинг табиий йўлдошига қадам қўймоқчи. Хусусан, Япония 2020 йилларга бориб, "Deep Space Gateway" халқаро дастури доирасида ўз мутахассисларини Ой юзасига юборишни режалаштирмоқда. Халқаро лойиҳада қатнашган тақдирда японияликлар Ой сатҳига қўна оладиган қурилмалар, сув ва ҳавони тозалаш ускуналари ва транспорт космик кемаларини туташтириш бўйича технологик ишланмаларни тақлиф этмоқчи.

Бу орқали Япония мамлакатининг кoinот соҳасида халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширишни мўлжалламоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, АҚШнинг NASA агентлиги ўз ҳамкорлари билан биргаликда 2020 йиллар бошида Ой орбитасида "Deep Space Gateway" модули қурилишини бошлашни мўлжаллаган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Дунё тарихини кузатадиган бўлсак, оила масаласига энгил қараган, ахлоқсиз ишларга берилган халқлар, давлатлар инқирозга учраганининг гувоҳи бўламиз. Қадимий буюк империяларнинг шармандаларча қулашининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлган.

Шунинг учун ҳам қадимдан ҳар бир жамият бу масалага катта эътибор бериб, оилаларнинг тинч ва мустаҳкам бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўриб келган.

Маънавият

... Айни пайтда она диёримиз – Ўзбекистон бунёдкорлик ва қурилиш майдони, йирик лойиҳаларни амалга ошираётган улкан иқтисодий ҳудудга айланган ҳақиқат. Шунинг баробарида мамлакатимизда кечаётган ислохотлардан яхши хабардор инсон "Бугун Ўзбекистон улкан кутубхонага айланган. Бинобарин, ислохотлар адабиётга аниқлик турибди", деса ҳам айни ҳақиқатни айтган бўларди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ўзи ҳар бир қишлоқда, аҳоли билан мулоқотида илм, адабиёт, шеърят, фалсафа ҳақида қўнқачлик билан сўзлаб, бутун халқимизни китобхонликка қорлаб турганда воқеа, манзара бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас...

Бунга жавобан мамлакатимиз ёшлари ҳам зўр гайрат-шижоат билан китобхонлик маданиятини оммавий ҳара-

зимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш каби устувор вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори асосида қайта ташкил қилинган Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда

□ Оила ва жамият

БАҲТ МАНЗИЛИ

Унга машаққатсиз етиб бўлмайди

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг асосий негизи ҳисобланади. Оила соғлом, мустаҳкам, тинч бўлса, жамият ҳам оқойишта ва фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик, бузғунчилик бўлса, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат, поклик, орномус, уят ва андиша туйғулари қолмаса, ўша жамият таназзулга юз тутайди.



унинг ҳудудлардаги бўлим ва бўлимчаларининг самарали фаолияти четдан ёпирилиб келаётган маънавий таҳдидларга қарши муносиб зарба бўлади. Бу куйидаги аниқ мисол ва рақамлардан ҳам маълум. Кейинги пайтларда айрим-айрим мамлакатларида "дунё фуқароси", "эркин муҳаббат", "шахс эркинлиги" каби сохта ширларни рўқча қилиб олган баъзи бузғунчилар "Оиланинг кираги йўқ, никоҳ шарт эмас, у инсоннинг эркини чеklang қўяди", деган даъвоини кўтариб чиқшмоқда.

Минг афсуслар бўлсинки, инсон табиатида зид бу сафсатага ишонади-

ганлар ҳам чиқди ва кўпайиб бормоқда. Охириқибат ҳозирга келиб, кўплай муаммолар пайдо бўлди. Инсонийликка иснод келтирувчи ушбу дунёқарашга қўл бўлган юртларда оиланинг қадри қолмади, оила аъзоларининг ўзаро аҳилиғи ва садоқати дарз кетди. Оила қуриш "қолоқлик,

Юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, бугунги кунда бутун инсоний оила таназзулини бартараф этишдек улкан муаммо қаршида турибди.

Шукрлар бўлсинки, болажон халқимиз оилавий бахтни сақлаб қолган. Юртимизда никоҳнинг муқаддаслиги, оиланинг мустаҳкамлиги миллий қадрият ва давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бу ҳолат эса бошқа халқларнинг ҳавасини келтирмоқда. Аммо, бу бепарволик ва хотиржамликка берилиш лозим, дегани эмас. Чунки, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ҳеч бир давлат ва жамият бу жараёнлардан четда тура олмайди. "Бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ", деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай қайфиятга берилган халқ ёки миллат таназзулга юз туттиши ҳеч гап эмас.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, юртимизда содир бўлаётган оилавий ажралишларга ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, ота-оналарнинг аравлашуви, оила ва оилавий муносабатлар ҳақида билимнинг етишмаслиги,

кация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ҳеч бир давлат ва жамият бу жараёнлардан четда тура олмайди. "Бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ", деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай қайфиятга берилган халқ ёки миллат таназзулга юз туттиши ҳеч гап эмас.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, юртимизда содир бўлаётган оилавий ажралишларга ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, ота-оналарнинг аравлашуви, оила ва оилавий муносабатлар ҳақида билимнинг етишмаслиги,

Тўғли ТОҒАЙҚУЛОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими бош мутахассиси.

КЎНГИЛДА ЖАМ БЎЛГАН САРМОЯ

ёрқин истиқбол калитидир

кат, умуммиллий воқелик даражасига чиқишини таъминлашмоқда. Нурафшон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилаётган "Ёш китобхон" Республика танловининг вилоят босқичи якунлари бу хулосани яна бир марта тасдиқлади.

Танлов низомига кўра, мусобақанинг ҳудудий қисмчалари жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида жойларда ўтказилди. Унда 22 минг нафардан зиёд ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этгани, голиб бўлишга астойдил ҳаракат қилгани, ўз фикрини асослаш йўлида ҳакамлар билан қизгин талашиб-тортишгани аслида мазкур танлов мамлакатимизда олиб борилаётган китобхонлик тарғиботи масаласининг тарихий ютуғи, десак муболага бўлмайди.

– Мен ёшларимиз бу қадар берилиб китоб ўқиган, уни ўзига содиқ дўст тутганини эслай олмайман, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Қодир Султонов. – Яна бир фактни айтмай, танловда иштирок этган 22 мингдан зиёд йигит-қизларнинг қарийб 10 минг нафарини 20-31 ёшгача бўлган китобхонлар ташкил этади.

Танлов қатнашчилари бешта шарт бўйича бешлашди. Тадбирнинг 14-19 ёшлар ўртасида ўтказилган қисмида парентлик Рисолат Махсумова 227 балл билан биринчи ўринни қўлга киритди. Рисолат ўз қишларидида "Бобурнома", "Зарбулмасал" каби асарлардан ўққан, англаганларини чиройли услубда баён этиб, юксак натижага қўлга киритди. Шунингдек, 20-31 ёшлилар иштирокидаги бахслар ҳам қизгин кечди. Ҳар бир



катнашчи ижтимоий-сиёсий соҳа, маънавий-маърифий китоблар, бадий адабиётлар, шеърят, адаблар ҳаёти каби шартларга катта тайёргарлик билан келгани яққол кўзга ташланди. Умумий натижаларга кўра, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Қуйи чирчиқлик Кумушхон Абду-

саломова биринчи ўринни қўлга киритди ва республика босқичига йўлланма олди.

...Танлов якунланди, аммо иштирокчиларнинг қалбида буюк адабиётга, ҳазрати сўзга эҳтиром ва муҳаббат туйғуси янада жўш урди. Бу эса асло исзис кетмаслиги муқаррар.

Санд БОБОВЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Маънавият:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шарҳнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бондармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Санд МУҚИМОВ
Назоратчи мусаввиф
Қуромш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма V-683.

Адади 6 811.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.